



“O‘zenergosotish” AJ  
2024 йил  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент 2024

## МУНДАРИЖА

1.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	2
1.1.	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ АППАРАТИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ	4
2.	ЖАМИЯТ УСТАВИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНИ	5
3.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНING РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	6
4.	МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	10
5.	ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ)	12
6.	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР	14
7.	ТЕХНИК СИЁСАТ	16
8.	КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ	17
9.	ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ	17
10.	ХОДИМЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ	17
11.	ЖАМИЯТ ФОЙДАСИ (ЗАРАРИ)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНТ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ	18

## 1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги **2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони**га мувофиқ электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи **“O‘zenergosotish” aksiyadorlik jamiyati** (кейинги ўринларда - “O‘zenergosotish” AJ ёки “Жамият”) ташкил этилди.

“O‘zenergosotish” AJнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- дастлабки босқичда электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи бозори механизмига ўтиш даврида электр энергияси ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ва йирик истеъмолчиларга белгиланган тарифларда сотиш;
- кейинги босқичда электр энергиясини онлайн савдо платформасида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархда сотиш;
- электр энергиясининг экспорт ва импорт операцияларини шартномалар асосида амалга ошириш;

Жамият 2024 йил 1 июлдан бошлаб электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини тўлиқ амалга оширади.

2025 йил 1 январдан бошлаб «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг электр энергияси экспорти ва импорти шартномалари, хусусий электр станциялари билан имзоланган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимлари бўйича мажбуриятлари “O‘zenergosotish” AJга ўтказилади.


“O‘zenergosotish” AJ штат бирликлари, биринчи навбатда, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг электр энергияси савдоси билан боғлиқ бўлган тегишли штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

“O‘zenergosotish” AJ нинг ягона акциядори **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** ҳисобланади;

“O‘zenergosotish” AJ нинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Тел: (+998-71) 236-64-94, e-mail: public@ues-jsc.uz, Veb-саҳифа: [www.ues-jsc.uz](http://www.ues-jsc.uz).

“O‘zenergosotish” AJнинг бошқарув раиси этиб **Обиджонов Жахонгир Обиджонович** тайинланган


## Жамиятнинг Тошкент шаҳридаги жойлашуви



## Жамиятнинг асосий фаолият биноси



## 1.1 ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ АППАРАТИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ



- “O‘zenergositish” AJ марказий аппарати ходимларининг чекланган сони – 60 бирлик;  
- Бошқарув раиси штат жадвали доирасида ходимлар сонига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 2. ЖАМИЯТ УСТАВИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНИ

“O‘zenergosotish” AJ ягона акциядорининг **2023 йил 24 ноябрдаги 1-сон қарори** билан жамият Устави ва Ижро этувчи аппаратнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган. Жамиятнинг **Устав капитали 176 570 000,00** (Бир юз етмиш олти миллион беш юз етмиш минг) сўмни ташкил этади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 176 570 (бир юз етмиш олти минг беш юз етмиш) дона оддий акциялардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармонида асосан “O‘zenergosotish” AJ ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар Давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли.

“O‘zenergosotish” AJ бошқаруви органи Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқарув аппарати) таркибидан иборат.

Ягона акциядор Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “O‘zenergosotish” AJнинг барча оддий акциялари Ягона акциядорга, яъни Ўзбекистон Республикаси **Иқтисодиёт ва молия вазирлигига** тегишли. Бунда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмасдан Ягона акциядор томонидан қабул қилинади. Ягона акциядорнинг ваколатлари **“Ягона акциядор тўғрисида”ги Низом** билан тартибга солинади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. “O‘zenergosotish” AJ кузатув кенгаши **5 кишидан** иборат бўлиб, уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан тасдиқланади. Жамият Кузатув кенгашининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун**, Жамият Устави ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланади.

“O‘zenergosotish” AJнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Бошқарув аппарати **3 аъзодан** иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва икки нафар бошқарув раиси ўринбосарлари. Жамият ижроия органи “O‘zenergosotish” AJ Ягона акциядорининг қарорига биноан ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиш баёнига мувофиқ лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

### **3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган 2024 йилда электр энергияси ресурслари ва тақсимотининг дастлабки прогноз баланси кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 январдаги Ф-5422-сонли фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқаришда янада барқарор ўсишга эришиш, энергия ресурсларининг мутаносиблигини ошириш, шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирилишини таъминлаш, республика иқтисодиёти соҳалари ва тармоқларини барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Бунда, 2024 йил учун:**

#### **I. Ишлаб чиқариш**

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республика бўйича **84 908,8 млн.кВт.с** ёки 2023 йилга нисбатан **6 940,1 млн.кВт.с.га (108,9%)** кўп режалаштирилмоқда. Жумладан:

Иссиқлик электр станциялари ва марказларида **70 699,8 млн.кВт.с** электр энергияси ишлаб чиқарилиши прогноз қилинмоқда. Бу Давлат-хусусий шериклиги асосида қурилаётган иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларида янги қувватларни ишга туширилиши ҳисобига 2023 йилдаги кўрсаткичдан **1 073,3 млн.кВт.с га (101,5%)** кўпдир.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг гидроэлектр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори, ўрта ва узоқ йиллик гидроманбаларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда **7 043,7 млн.кВт.с** режалаштирилиб, бу 2023 йилга нисбатан **168,3 млн.кВт.с ёки 102,4%** га кўпдир.

Республика ташкилотларининг блокстанциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш **1 423,9 млн.кВт.с.ни** ташкил этади. Шундан “Олмалик КМК” АЖда **200,0 млн.кВт.с**, “Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ қўшма корхонасида **390,2 млн. кВт.с** ва “Uzbekistan GTL” МЧЖда **313,7 млн. кВт.с.** ни ташкил қилади.

ДХШ асосидаги қайта тикланувчи электр манбаларига асосланган электр станциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш **5 741,4 млн.кВт.с.ни** ташкил этади.

#### **II. Импорт**

Кўшни республикалардан импорт қилинадиган электр энергияси миқдори **3 871,7 млн.кВт.с.ни** ташкил этади.

#### **III. Истеъмол**

Республика истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлаш **70 475,4 млн. кВт.с.ни** ташкил қилади (бу 2023 йилдаги етказиб бериладиган электр

энергияси ҳажмидан **4 395,4 млн.кВт.с.**га кўп ёки **106,7%** ни ташкил этади), шу жумладан, иқтисодиёт тармоқларига **49 318,5 млн.кВт.с.** электр энергияси етказиб берилади (бу 2023 йилдаги етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмидан **2 664,1 млн.кВт.с.**га кўп ёки **105,7%** ни ташкил этади).

Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш қишлоқ жойларидаги фойдаланишга топшириладиган янги турар-жой массивларини ҳисобга олган ҳолда, **21 156,9 млн.кВт.с.**ни ташкил қилади (бу 2023 йилдаги етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмидан **1 731,3 млн.кВт.с.** га кўп ёки **108,9%** ни ташкил этади).

#### **IV. Экспорт**

**2 210,0 млн.кВт.с.** электр энергиясини экспорт қилиш прогнозлаштирилмоқда.

#### **V. Электр энергияси манбаи ва тақсимоти**

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2024 йилга мўлжалланган электр энергияси манбаи ва тақсимоти мос равишда **88 780,5 млн.кВт.с.**ни ташкил этади. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан **5 830,8 млн.кВт.с.**га кўпдир.

#### **4. МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида, электр энергетика тармоғи корхоналарини трансформация қилиш, уларда самарали бошқарув тизимини жорий этиш ва жадал ривожлантириш ҳамда энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инвестициялар келишини кўпайтириш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларини жорий қилишга асосланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони қабул қилинди ва унга мувофиқ “O‘zenergosotish” AJ ташкил этилди.

#### **“O‘zenergosotish” AJнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режасида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони билан “O‘zenergosotish” AJ олдида белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида,

Жорий йилнинг I-чорагида жамиятни таъсис ҳамда ташкилий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш билан шуғулланиш учун Ижроия органи раиси, 2 нафар малакали мутахассис ҳамда 5 нафар кузатув кенгаши аъзолари;

Жорий йилнинг II-чорагида Ижроия органини раиси, 9 нафар малакали мутахассис ҳамда 5 нафар кузатув кенгаши аъзолари;

Жорий йилнинг III-IV-чоракларида Ижроия органини раиси, раис ўринбосарлари, 57 нафар малакали мутахассислар ҳамда 5 нафар кузатув кенгаши аъзоларининг жамиятда меҳнат фаолиятларини юритишлари кўзда тутилган.

“O‘zenergosotish” AJ фаолияти жорий йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ амалга оширилиши инobatга олинган ҳолда, Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси ишлаб чиқилди. Бунда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан амалдаги белгиланган тармоқ ички тарифларига асосан соф тушум режаси **24 872,6** млрд сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари **24 703,9** млрд сўмни, давр харажатлари **32,2** млрд сўмни, молиявий фаолият харажатлари **35,0** млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда. 2024 йил якуни бўйича Жамият молиявий-хўжалик фаолияти **101,5** млрд.сўм миқдорида фойда билан яқунланиши кутилмоқда.

### 2024 йилга кутилаётган молиявий кўрсаткичлар

млн.сўм

№	Номи	2024 йил прогноз	жумладан			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
<b>1</b>	<b>Соф тушум (ҚҚС сиз)</b>	<b>24 872 610</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>11 865 162</b>	<b>13 007 448</b>
	шунингдек бошқа даромадлар технологик сарф	616 944	0	0	256 558	360 386
<b>2</b>	<b>Ишлаб чиқариш таннарихи</b>	<b>24 703 920</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>11 515 823</b>	<b>13 188 097</b>
2.1.	Электроэнергия, шу жумладан:	23 006 214	0	0	10 710 381	12 295 833
	<i>Электр энергияси хариди</i>	19 800 374	0	0	9 192 638	10 607 736
	<i>ДХШ асосидаги ИЭСлар учун табиий газ хариди</i>	3 205 840	0	0	1 517 743	1 688 097
2.2.	Электр энергиясини транспортировка қилиш хизмати	1 697 705	0	0	805 442	892 264
<b>3</b>	<b>Давр харажатлари</b>	<b>32 209</b>	<b>826,1</b>	<b>4 781</b>	<b>13 082</b>	<b>13 520</b>
3.1.	Иш хақи	15 054	731,1	2 401,2	5 960,7	5 960,7
3.2.	Солиқ ва йиғимлар (ЕСП)	1 806	88	288,1	715,3	715,3
<b>3.3.</b>	<b>Бошқа давр харажатлари</b>	<b>15 349</b>	<b>7</b>	<b>2 091,5</b>	<b>6 406,1</b>	<b>6 844,1</b>
	Хизмат кўрсатиш ва бошқалар	15 349	7	2 091,5	6 406,1	6 844,1
<b>4</b>	<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>	<b>35 000</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>17 500,0</b>	<b>17 500,0</b>
	Валюта курси фарқидан зарарлар	35 000	0	0	17 500,0	17 500,0
<b>5</b>	<b>Солиқ тўлагунга қадар олинadиган фойда</b>	<b>101 481</b>	<b>-826</b>	<b>-4 781</b>	<b>318 757</b>	<b>-211 669</b>
<b>6</b>	<b>фойда солиғи</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
<b>7</b>	<b>Солиқ тўлангандан кейинги фойда</b>	<b>101 481</b>	<b>-826</b>	<b>-4 781</b>	<b>318 757</b>	<b>-211 669</b>

**Изоҳ:** Электр энергиясини харид қилиш ва сотиш тарифлари ўзгарганда ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмоли баланси тасдиқланганда молиявий кўрсаткичлар прогнозига ўзгартиришлар киритилади.

2024-йил 1 ва 2 чорақларида жамиятни таъсис ҳамда ташкилий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаштириш ҳаражатлари ҳисобга олинган.

## 5. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ)

### I. Товар ва хизматлар экспорти (пул тушуми).

2024 йилда қуйидаги йўналишларда жами **115,0** млн АҚШ доллари (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **53,7** млн АҚШ доллари) қийматидаги товар ва хизматлар экспорти амалга оширилиши режалаштирилган.

### II. Товар ва хизматлар импорти (ҳаражатлар).

2024 йилда товар ва хизматлар импорти учун жами **1 741,75** млрд.сўм (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **790,19** млрд.сўм) миқдорида ҳаражатлар амалга оширилиши кутилмоқда.

Жумладан:

- Туркманистондан **2 800,0** млн кВт.с. (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **1 150,0** млн кВт.с.) электр энергиясини импорт қилиш учун жами **1 416,25** млрд сўм (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **610,60** млрд.сўм), шундан электр энергияси учун шартномага асосан ҳисоб-китоб қилишга **1 264,2** млрд сўм (**1 кВт.с. учун 3,5** цент, жами **98,0** млн доллар) (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **545,02** млрд.сўм), божхона тўловлари учун (ҚҚС ва божхона йиғимларига) **152,05** млрд сўм (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **65,57** млрд.сўм);

- Тожикистон Республикасидан **1 000,0** млн кВт.с. (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **580,0** млн кВт.с.) электр энергиясини импорт қилиш учун жами **289,1** млрд сўм (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **167,7** млрд.сўм), шундан электр энергияси учун шартномага асосан ҳисоб-китоб қилишга **258,0** млрд сўм (**1кВт.с. учун 2,0** цент нарх кутилмоқда, жами **20,0** млн АҚШ доллари) (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **149,70** млрд.сўм), божхона тўловлари учун (ҚҚС ва божхона йиғимлари) **31,1** млрд сўм (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **18,0** млрд.сўм);

- Қирғизистон Республикасидан электр энергиясини импорт қилишдаги транспортировка хизмати учун тўлов **3,2** млрд.сўм (**250,0** минг доллар) (“O‘zenergosotish” AJ бўйича тўлов мавжуд эмас);

- Козоғистон Республикаси энергетика тизими томонидан кўрсатилган қувватни ростлаш хизмати учун тўлов **33,2** млрд. сўм (**2,6** млн.доллар) (“O‘zenergosotish” AJ бўйича **11,7** млрд.сўм).

**Изоҳ:** Электр энергияси ва хизматлар экспорти/импорти ҳажмлари ҳамда қийматлари дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1 АҚШ доллари 12 900,00 сўмда ҳисобланган. Жорий йил якунига қадар томонлар ўртасида тузилган шартномалар ва АҚШ доллари курсининг ўзгаришига кўра ўзгариши мумкин.

**2024 йил учун экспорт ва импорт прогноз кўрсаткичлари тўғрисида маълумот (минг. АҚШ доллари)**

т/р	Махсулот ва хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	2023 йил амалда		2024 йил (режа)		I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			ҳажми	минг АҚШ долл	ҳажми	минг АҚШ долл	ҳажми	минг АҚШ долл	ҳажми	минг АҚШ долл	ҳажми	минг АҚШ долл	ҳажми	минг АҚШ долл
<b>1.</b>	<b>Экспорт</b>	млн. кВт.с	<b>1 969,2</b>	<b>100 780,87</b>	<b>2 210,0</b>	<b>115 000,00</b>	<b>902,0</b>	<b>45 250,00</b>	<b>314,0</b>	<b>16 050,00</b>	<b>84,0</b>	<b>4 600,00</b>	<b>910,0</b>	<b>49 100,0</b>
1.1	Электр энергияси		1 969,2	91 176,27	2 210,0	110 500,00	902,0	45 100,00	314,0	15 700,00	84,0	4 200,00	910,0	45 500,00
1.2	Транзит хизматлари			9 604,59		4 500,00		150,0		350,00		400,00		3 600,00
1.3	Қурилиш-монтаж ишлари (Сурхон-Пули-Хумри қурилиши) *													
<b>2.</b>	<b>Импорт</b>	млн. кВт.с	<b>4 981,0</b>	<b>139 543,5</b>	<b>3 871,0</b>	<b>120 826,00</b>	<b>1 550,0</b>	<b>50 340,00</b>	<b>501,7</b>	<b>14 850,00</b>	<b>870,0</b>	<b>18 106,00</b>	<b>950,0</b>	<b>37 530,00</b>
2.1	Электр энергияси		4 981,0	138 125,53	3 871,0	118 000,00	1 550,0	49 000,00	501,7	14 350,00	870,0	17 900,00	950,0	36 750,00
2.2	Частотани (кувватни) созлаш бўйича хизматлар	МВт	490,0	1 417,93	1 000,0	2 576,00		1 340,00		250,00		206,00		780,0
2.3	Транзит хизматлари					250,0				250,0				

Изоҳ \*)Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 4 июндаги 52-сон баёнига асосан Афғонистон ҳудудида “500 кВли Сурхон – Пули-Хумри электр узатиш тармоғини қуриш” лойиҳасининг амалга ошириш муддати 2024 йил якунига қадар узайтирилди. 2023 йилда 22,0 млн. АҚШ доллари қийматидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, 2024 йилда ҳам прогноз режага киритилмади.

## 7. ТЕХНИК СИЁСАТ

**Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, реактив қувватни компенсация қилиш.**

Жамият бўйича электр энергиясини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирларни бажариш. Бунда подстанцияларда электр қурилмаларидан унумли фойдаланиш, ҳамда энергия тежамкорлик кўрсаткичлари юқори бўлган (А++, А+Б) приборларни қўллаш.

Жамият тасаруфида бўлган хўжалик объектларида 2024 йилда ёритиш чироқлари ва электр қурилмаларини энерго тежамкор қурилмаларни ўрнатиш орқали амалга ошириш режалаштирилган.

Энерго тежамкор қурилмаларни ўрнатиш чора тадбирларига мувофиқ тегишли хисоботларни шакллантиришда инсон омилини камайтириш ва энергия кўрсаткичларни тўлиқ ҳаққонийлигига эришиш.

**Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ички истеъмолини 2030 йилгача бир ярим баробарга камайтиришга эришиш.**

Жамият объектларидаги энергия истеъмолини 2030 йилгача бир ярим баробар қисқартириш ва энергиядан самарали фойдаланиш мақсадида 2024 йилда Жамият филиалларида бино-иншоотларда қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “**Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида**”ги Қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “**Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидалари**”га мувофиқ:

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга ошириш режалаштирилган.

## 8. КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“O‘zenergositish” AJ томонидан 2024 йилда Халқаро банклар, молия институтлари, тижорат банклари ҳамда Молия вазирлигидан кредит, қарз, ссуда ва бошқа мажбуриятлар олиш кўзда тутилмаган. Турли хилдаги грант маблағлари бундан мустасно.

Жамият 3-чоракдан тўлиқ фаолият юритишни бошлаганидан сўнг юзага келадиган иқтисодий муносабатларга кўра молиявий ресурсларни жалб қилиши мумкин.

## 9. ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

2024 йилда “O‘zenergosotish” AJда кутилаётган умумий ишловчи ходимлар сони **60 та** ва иш ҳақи фонди ижтимоий солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда **15,1 млрд.сўмни** ташкил этмоқда.

## 10. ХОДИМЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Жамият фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган кадрлар сиёсати тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилади. Ушбу Низом Жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун инсон ресурсларини (ходимларини) бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, бозорнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган малакали ва юқори самарали жамоа яратиш тизимини белгилайди.

Жамиятда энергетика тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича устивор вазифа ва талабларга мувофиқ аниқ мақсадли ишлар амалга оширилади. Турли ўқув марказларида ходимлар малакаси мунтазам равишда ошириб борилади. Олий ўқув юртларида энергия тизим ривожини учун соҳа мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Энергетика соҳаси учун ёш, истикболли кадрларни тайёрлаш мақсадида Жамият ўз ходимларини ўқитиш ва таълим олишлари учун маблағлар ажратади. Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ёш истикболли мутахассислар раҳбарлик лавозимларига ўтказилади.

Шунингдек Жамиятда раҳбар ходимлар илмий фаолиятга жалб этилиб, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади.

Жамият ишчи ходимларини ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида, “O‘zenergosotish” AJ Бирлашган касаба уюшма кўмитаси билан биргаликда:

- Шифохона, санаторий ва дам олиш масканларида Жамият ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғлиқларини тиклаш;
- Жамият ходимлари фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларига юбориш;
- Бухоро, Самарканд, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларга саёхатлар ташкил этиш;
- Йил давомида шахмат, шашка, стол тенниси, минифутбол ва бошқа спорт турлари бўйича ички мусобақалар ташкил этиш чоралари кўрилади.

## **11. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИ (ЗАРАРИ)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНТ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда, шунингдек ўтган даврлардаги тақсимланмаган соф фойда ягона акциядор томонидан тақсимланади.

Жамият зарарини қоплаш Ягона акциядор қарори асосида захира фонди ва бошқа қонунчиликда таъқиқланмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Дивиденд соф фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми бўлиб, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият Кузатув кенгаши тавсиясига кўра Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият ягона акциядори қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кечиктирилмасдан тўланади. Жамият устав капитали тўлиқ шакллантирилмаган, фаолиятида банкротлик белгилари мавжуд, дивиденд тўлаш натижасида Жамият соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан камайиб кетадиган ёки бошқа қонунчиликда руҳсат этилмаган ҳолатлар мустасно.